



ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МЕТА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ

Долиев А.Т.

*Олий таълим тизими кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини
ошириш институти таянч докторанти*

Таянч сўзлар: педагог кадрлар, мета технологиялар, ривожлантирувчи таълим, инновацион компетентлик, стратегия, когнитив билимлар, психотехнологиялар.

Ключевые слова: педагогические кадры, метатехнологии, развивающее обучение, инновационная компетентность, стратегия, когнитивные знания, психотехнологии.

Key words: teaching staff, metatechnologies, developmental learning, innovative competence, strategy, cognitive knowledge, psychotechnologies.

Резюме:

Ушбу мақола бугунги кунда малака ошириш жараёнларида мета технологияларни қўллаш орқали педагог кадрларнинг инновацион компетентлигини ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари ҳақида баён этилган.

Резюме:

В данной статье описаны теоретические аспекты развития инновационной компетентности педагогов путем использования метатехнологий в процессах профессионального развития сегодня.

Summary:

This article describes the theoretical aspects of developing innovative competence of teachers through the use of metatechnologies in the processes of professional development today.

Кириш. Ахборотлар оқими жадал суръатлар билан ортиб бораётган бугунги кунда, кўп сонли кераксиз омиллар ва технологияларни ўқитишдан, ахборотларни излаш, тизимлаштириш, таҳлил қилиш, таққослаш, умумлаштириш каби таълимнинг когнитив усулларига ўтиш, ахборотларни қайта ишлашни жадаллаштириш масаласи юзага келмоқда. Хусусан, билимлар жамиятига ўтиш учун таълимнинг шундай тизимини яратиш керакки, бунда илгари фақатгина тадқиқотчиларгина эга бўлган когнитив билимларни, оммовий тартибда шакллантириш имконияти бўлсин.



Фикримизча, таълимнинг метатехнологияларини оммовийлаштириш керакки, ҳар бир илмли киши тадқиқотлар ўтказиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш техникаси ва услубиётини билсин. Мазкур ҳолат эса, таълимнинг янги сифат даражасига ўтишига олиб келади. Бунда тайёрловнинг асоси ва амалий йўналтирилганликни диалектик қўшиб олиб бориш муаммосини ҳам ҳал қилиш керак. Таълимнинг, шунингдек таълим муассасасининг бутун мазмуни абстракт, ақлий тафаккурни аниқ воқелик билан бирга бирлаштиришдан иборат бўлади.

Адабиётлар таҳлили. Мамлакатимизда “Рақамли Ўзбекистон - 2030” Стратегиясига мувофиқ ҳамда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш ва уларни мамлакатимизда кенг қўллаш, рақамли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини ва уларнинг юқори сифатини таъминлаш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Технологияларни яратиш технологияси (креатив Метатехнология), технологияларни ишлаб чиқиш ва умуминсоний кадриятлар, жойлашган замонавий технологиялар билан жиҳозланган, интеллектуал салоҳиятли ва илғор технологиялар, эришиш мумкин бўлган ривожланиш мақсадлари белгиланган.

1. О.В. Ядришникова мақоласида педагогларнинг инновацион компетенцияларини ошириш ва янги педагогик технологияларни қўллаш бўйича илмий асослар кўрсатилган. У педагогик компетенциянинг ривожланиши, инновацион фаолият ва янги методларни қўллашдаги илмий тадқиқотларнинг аҳамиятини ёритади. Мақолада педагогларнинг таълим жараёнларидаги инновацион роли ва уларнинг компетенцияларини янгилаш зарурлиги муҳим масала сифатида кўрсатилган. 2. М. Р. Арпентиева базавий метатехнологиялар сифатида қуйидаги усулларни таъкидлайди: Очиқ мулоқот: Мижоз билан самимий суҳбатлар ўрнатиш ва унинг фикрларини эркин ифода этишига ёрдам бериш. Таҳлил ва режалаштириш: Мижознинг муаммоларини таҳлил қилиб, уларга мос режа ишлаб чиқиш. Тажриба алмашиш: Мижоз билан билим ва тажрибаларни алмашиш. Ёрдамчи ресурслар: Мижозга қўшимча материаллар ва ресурслар тақдим этиш. 3. М. Пулатова ўз тадқиқотида педагогларни инновацион фаолиятга тайёрлашдаги муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш учун зарур шароитларни яратишни таъкидлайди. У таълим сифатини узлуксиз касбий ривожланиш орқали оширишни кўзда тутди. “Самарқанд тажрибаси” ва “мобиль методик гуруҳлар” каби инновацион ёндашувлар педагогларнинг малакасини оширишда самарали эканлигини кўрсатади. 4. Е.И. Артамонова ва О.В. Тесленко мақоласида педагогик компетенци-




янинг инновацион сифатлари кўриб чиқилади. Мақола инновационликни метапрофессионал сифат сифатида тан олиб, таълим тизимида унинг аҳамиятини таъкидлайди. Муаллифлар инновацион сифатларнинг ривожланиши ва таълим жараёнидаги қўлланилишини аниқлаб, янги методология ва технологиялар орқали таълим сифатини оширишда қандай ёрдам беришини кўрсатади. 5. Н. И. Наумкин, Н. Н. Шекшаева, В. Ф. Купряшкин, Е. В. Забродиналар Келажакдаги ўқитувчиларни педагогик-технологик таълим муҳитида инновацион фаолиятга тайёрлашнинг аҳамияти муҳокама қилинган. 6. И. В. Абакумова, П. Н. Ермаков, В. Т. Фоменко томонидан тақдим этилган “Таълим Технологиялари: Янги Нуктаи Назарлар” наشري, давлат таълим стандартларини мактабда амалга ошириш ва ўқитиш технологияларининг кенгайтирилган тушунчаларини тақдим этади. Нашрда ўқитувчи-ўқувчи ўзаро таъсири асосидаги технологиялар, гиперматнли вариантлар ва педагогик техниканинг элементлари кўрсатилган. У мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар, методистлар ва талабаларга мўлжалланган. 7. Фролова Олеся Сергеевна инновацион компетенцияни мактабда малака ошириш жараёнида шакллантиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганган. Тадқиқот илмий адабиётлар билан таққосланиб, ўқитувчиларнинг инновацион компетенциясини ривожлантиришда самарали ёндашувлар ва методлар ҳақида батафсил маълумот беради. Бу таълим тизимида инновацион ёндашувларни амалий татбиқ қилишни яхшилашга ёрдам беради. 8. Эрайскин Виталий Владимирович мақоласида мета-ўрганиш модели ёрдамида кам маълумотлар билан ишлаш имкониятлари кўриб чиқилади. Чуқур ўрганиш катта маълумотларни талаб қилади, аммо мета-ўрганиш ортиқча ўрганиш муаммосини ҳал қилишда ёрдам беради.

Ахборотлар асрида ҳар қандай таълим учта стратегик вазифани бажариши долзарбдир: таълим олувчиларни зарурий ахборотларни олишга ўргатиш, мустақил таълим олиш метатехнологиясини ўзлаштириш; ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини тушуниш кўникмаларини шакллантириш, психотехнологияларни амалий ўзлаштириш; самарали мулоқатга ва натижавий муаммоларни ҳал қилишга ўргатиш, ихтирочилик масалаларини ҳал қилиш метатехнологик санъатини ўзлаштириш(1.1-расм).

Юқорида кўрсатиб ўтилган ўқитиш муаммоларини ҳал қилиш иккита йўналишда амалга оширилиши мумкин:

билимларнинг интеграциялаш йўли билан;

асосий урғуни билим беришдан, ижодкорлик қобилиятларни ривожлантиришга, мета билимларни шакллантиришга ўтказиш орқали.



1.1-расм. Таълимнинг учта долзарб стратегик вазифаси

Замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассисларни тайёрлаш муаммосини ўқитиш орқали билим беришдан, мета билимларга ўтиш ва ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш орқали ҳал қилиш мумкин.

Шахсни ривожлантиришга йўналтирилган таълим жараёнида педагогик тўлдириш тамойилини амалга ошириш, таълим жараёнини анъанавий ташкил этишдан фарқ қилишини назарда тутати. Ривожлантирувчи таълим метатехнологияси ўқув жараёнини ривожлантирувчи, креативлик тамойилларига кўра, макротехнологик ташкил этишга асосланади.

Мазкур технологияни қўллашнинг ўзига хос жиҳати турли усуллар асосида, шахснинг нафақат интеллектуал даражасини, балки шахсий психологик хусусиятларини, илгари сураётган стратегиясини ҳамда фикрлаш стилини ҳам, ҳар томонлама ўрганишдир.

Бу маълумотлардан таълимнинг оптималлаштирилган технологик таркибини шакллантиришда, шунингдек таълим олувчиларни когнитив қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг шахсий қобилиятларига мувофиқ ҳолда, ўқув фаолиятида энг самарали ўзлаштиришга имкон яратадиган таълим жараёнининг боришини психологик таъминлашда фойдаланилади.

Таълим жараёнида умумий мақсад билан бир қаторда, хусусий мақсадларга эришишнинг оператив диагностикаси, ўқув материалларини мослаштириш ҳам кўзда тутилади. Мослаштириш цикллари фанларнинг модуллари бўйича амалга оширилади.



1.2-расм. Ривожлантирувчи таълим мақсадларининг асосий даражалари

Ривожлантирувчи таълимнинг бош вазифаси шахсни ҳар томонлама ривожлантириш бўлгани боис, хусусий мақсадлар бош мақсадга эришишни таъминлашга қаратилган бўлиши керак. Хусусий мақсадларни дидактик мақсадлар, тарбияловчи мақсадлар, ривожланувчи мақсадлар ҳамда психологик тайёрлов мақсадларига ажратишимиз мумкин.

Ривожлантирувчи таълим мақсадларини бир қатор даражаларини ажратишимиз мумкин(1.2-расм):


биринчи даража мақсадлари – маълум фаолият учун касбий тайёрлик;
 иккинчи даража мақсадлари – касбий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий шароитларда фаолият самарадорлигини оширишни таъминлайдиган шахсий сифатлар тизимини шакллантириш;

учинчи даража мақсадлари – шахсни ҳам маънавий, ҳам ақлий, ҳам жисмонан, ҳам психологик жиҳатдан зарурий барқарорлигини таъминлаш;

тўртинчи даража мақсадлари – ўз-ўзини ривожлантириш, ўз ижодкорлик салоҳиятини, ишга солинмаган ички имкониятларини тўлиқ ишга солиш.

Ривожлантирувчи таълимда ўқитиш мақсадларига эришишнинг мета-технологик моделида билимларни ўзлаштиришнинг олти та поғонасини фарқлашимиз мумкин:

1. Англаш, тушуниш, билиб олиш. Таълим амалиётида бу босқич таълим ва тасаввурга эга бўлишни ўз ичига олади. Бунда, таълим олувчи



ўрганилаётган объект ҳақида тушунчага эга бўлиши, унинг асосий жиҳатларини тавсифлаб бера олиши керак.

2. Ўқиб, ёдда олиб қолиш, билиб олиш. Таълим олувчи ўқув материални талаб этиладиган даражадаги аниқликда ўзлаштириши, билиши ҳамда воқеликни, жараёнларни зарурий даражада тўлиқ ёритиб бера олиши керак.

3. Тушуниш – воқеликни келиб чиқиш сабабларини, таъсир этувчи омилларни, уларни ўзгариш ва таъсир кўрсатиш қонуниятларини, қутилаётган натижаларни идрок қилиш, англаш.



4. Бажара олиш – олинган билимларни идрок қилиш орқали, уни зарурий материаллардан фойдаланган ҳолда, стандарт масалаларни ечишда қўллай олиш.

5. Маълум билим ва кўникмаларга эгалик қилиш. Мазкур даражада таълим олувчилар олган билимларини идрок қилиш, фикрлаш орқали но-стандарт, муаммоли масалаларни ҳам қўшимча материаллардан фойдаланмаган ҳолда, ҳал қилишда қўллай оладилар. Ўз билим ва кўникмаларини бошқа фаолият соҳаларида ҳам, ўз вақтида оператив ишлата оладилар.

6. Янги билим ва янги ғояларни, ёндашувларни ишлаб чиқиш. Мазкур даража креатив ҳисобланади. Мазкур даражага етган таълим олувчида мустақил идрок этиш, ижодкорлик, яратувчилик кўникмалари шаклланган бўлади. Анъанавий ўқитишда бундай даража эришиш вазифаси қўйилмаган, алоҳида даража сифатида ажратилмаган ҳам(1.3-расм).

Умумпедагогик технологияларни вертикал таркиб бўйича бир қатор гуруҳларга ажратиш мумкин

Метатехнологиялар — таълим соҳасида ижтимоий сиёсат даражасидаги таълим жараёнидир. Метатехнология – бутун таълим жараёнини ўзида жамловчи умумпедагогик технология ҳисобланади. Метатехнологияга биз қуйидаги бир қатор технологияларни киритишимиз мумкин:

муаммоли ва ривожлантирувчи ўқитиш педагогик технологиялари;

ахборот технологиялари;

ўйинли технологиялар;

лойиҳалаш ва тадқиқотчилик фаолияти технологиялари;

интерактив технологиялар;


саломатликни сақловчи технологиялар;

тарбияловчи технологиялар.

Макро технологиялар ёки тармоқ педагогик технологиялари маълум бир таълим йўналиши ёки ўқув предмети чегарасидаги фаолиятни, жумладан маълум бир ўқув предметини ўқитиш технологиясини ўз ичига олади.

Мезотехнологиялар – модулли локал технологиялар бўлиб, ўқув-тарбия жараёнининг айрим қисмларини амалга ошириш, ёки хусусий, локал, дидактик, услубий, тарбиявий вазифаларни ечишга қаратилгандир.

Микротехнологиялар – педагогик жараёнга нисбатан шахсий ёндошув ёки субъектнинг бевосита таъсирига тегишли маълум бир оператив вазифаларни амалга оширишга қаратилган, жумладан шахснинг айрим сифатларини тўғрилаш бўйича тренинглар ўтказиш технологияси киради. Таянч таълим стратегиялари асосида кўриб чиқилган ҳамма педагогик техно-



1.4-расм. Умумпедагогик технологияларни вертикал таркиб бўйича гуруҳлари

логиялар интеграл технологиялар ҳисобланиб, педагогик фаолиятнинг турли технологик услублари, воситалари ва формаларини бирлаштиради (1.4-расм).

Умумпедагогик технологияларни горизонтал таркиб бўйича урта асосий жиҳатини фарқлашимиз мумкин:

илмийлик жиҳати – технология педагогик назария ва илғор амалиётнинг ютуқларига асосланган ҳолда, муайян бир муаммонинг илмий ечими ҳисобланади;

расмий-тавсифий жиҳати – технология режада кўзда тутилган натижаларга эришиш учун қўйилган мақсаднинг мазмуни, қўлланиладиган усулларни тавсифловчи модел ҳисобланади;

жараёнли-фаолият жиҳати – технология объект ва субъект фаолиятини амалга ошириш, мақсаднинг шакллантирилиши, режалаштириш, ташкил этиш, амалга ошириш жараёнидир.

Шундай қилиб, олий таълимда педагогик технология ўқитишнинг энг мақбул йўлларини тадқиқ этиш ва лойиҳалаш, ҳамда самарали амалга ошириш воситаси ҳисобланади. Технологик ёндашув педагогик жараёнларни бошқариш ва унинг натижаларини маълум аниқлик билан олдиндан кўра билишлик, таълимдаги амалий тажрибани илмий асосда таҳлил қилиш ва тизимлаштириш, таълимдаги ва ижтимоий-тарбиявий муаммоларни ечиш, шахсни ҳар томонлама ривожлантириш учун қулай шароитларни яратиш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда юзага



келадиган айрим муаммоларни ечиш учун янада самарали янги технологияларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Хулоса. Ахборотлар асрида таълим учта асосий вазифани бажариши керак: зарур ахборотни олишни ўрганиш, ўзини бошқариш ва самарали мулоқот қилиш кўникмаларини ривожлантириш, ҳамда инновацион муаммоларни ҳал қилишни ўргатиш. Таълим бу мақсадларга икки йўналишда эришиши мумкин: билимларни интеграция қилиш ва ижодкорликни ривожлантириш орқали. Ривожланаётган таълим метатеҳнологиялари шахснинг интеллектуал ва психологик жиҳатларини ўрганишга ёрдам беради. Таълим жараёнининг мақсадлари касбий тайёргарликдан шахснинг тўлиқ ривожланишига қадар бўлинади ва билимларни ўзлаштиришнинг бир неча босқичини ўз ичига олади.

Адабиётлар:

1. М.Р. Арпентьева. базовые принципы как метатеchnологии социально-психологического консультирования. Часть 2. Профессиональное образование в современном мире. 2017. Т. 2. № 2. С. 948–957 DOI: 10.15372/PEMW20170202 ISSN 2224-1841 (печатный) © 2017 ФГБОУ ВО Новосибирский ГАУ.
3. М.Е. Pulatova. Konseptual yondashuv – o‘qituvchining innovatsion kompetensiyasini rivojlantirish omili sifatida. Ta’lim va innovatsion tadqiqotlar (2023 йил № 12)
4. Артамонова Е.И. инновационность как метапрофессиональное качество педагогической компетентности. Вестник Иссък-Кульского университета, № 38, 2014.
5. Н. И. Наумкин, Н. Н. Шекшаева, В. Ф. Купряшкин, Е. В. Забродина. Подготовка будущих учителей технологии к инновационной деятельности в педагогико технологической образовательной среде. Образование и наука. Том 24, № 10. 2022 / The Education and Science Journal. Vol. 24, № 10. 2022 124
6. Фролова Олеся Сергеевна. Формирование инновационной компетенции педагога в процессе внутришкольного повышения квалификации. Воронеж 2018
7. И. В. Абакумова, П. Н. Ермаков, В. Т. Фоменко. Российская академия образования российское психологическое общество южный федеральный университет факультет психологии. Масква 2013
8. Eriskin Vitaly Vladimirovich. Научно-образовательный журнал для студентов и преподавателей «StudNet» №5/2021 Модель мета-обучения с расширением признаков.